“Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг 2018 йилга мўлжалланган БИЗНЕС РЕЖА

№	Мазмуни	Саҳифа
	Кириш	3
1.	Жамият фаолиятининг мақсади (резюме)	3
2.	Жамият ҳақида маълумотлар	4
3.	Жамият бошқарув структураси	5
4.	Жамиятнинг ташкилий техник жиҳозланиши	7
5.	Жамият фаолияти таҳлили	7
6.	Молиявий режалаштириш	9
7.	Баланс даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари	12
8.	«Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг 2018 йил учун эмиссия ва дивиденд сиёсати	13
	Иловалар	
	Илова №1. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси	
	Илова №2. 2018 йилда қурилиш манзилли дастури	
	Илова №3. 2018 йилда раҳбар ходимлар ва мутахассисларни малакасини ошириш дастури	
	Илова №4. Ҳомийлик фаолияти дастурининг бажарилиши	
	Илова №5. Ички аудит хизмати харажатлари сметаси	
	Илова №6. «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг 2018 йилга харажатлар сметаси	
	Илова №7. Асосий воситалар ва номоддий активлар ёйилмаси	
	Илова №8. Узоқ муддатли ва кечиктирилган харажатлар ёйилмаси	
	Илова №9. “Устав жамғармаси”, “мақсадли тушумлар” ва “тақсимланмаган фойда” ёйилмаси	
	Илова №10. Хўжалик жамиятларига инвестициялар рўйхати	
	Илова №11. 2018 йил учун кутилаётган баланс	
	Илова №12. 2018 йилга кутилаётган молиявий натижалар	
	Илова №13. 2018 йилга кутилаётган пул оқимлари	
	Илова №14. Жамият бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи	

Кириш

Лизинг фаолиятини қисқа муддатли режалаштириш стратегик режалаштиришнинг бир қисмидир. Қисқа муддатли режалаштириш корхона ривожланишини стратегик мақсадларга мувофиқлигини таъминлаш учун ўтказилади. Режалаштиришнинг вазифалари Жамият фаолиятини ташкил этиш, ресурсларни тақсимлаш ва баҳолаш натижаларига мослигини аниқлаш, ривожланишнинг асосий факторларини башорат қилиш, аввалги йиллар метод ва натижалари, ички ва ташқи муҳит таҳлилини ташкил этишдан иборат. Бизнес режа – Жамиятни олдиндан белгилаб олган стратегияси ва тактикаси асосида молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиш ва баҳо бериш жараёнидир.

Лизинг хизматлари бозори тармоқ сифатида бошқа ривожланиб бораётган хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради.

«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти ўзининг ривожланиш даврида лизинг хизматлари бозорида рақобатбардошлик ва молиявий кўрсаткичларнинг бир маромда ўсишини таъминлашда, ишбилармон ҳамкорлар ва мижозларда илиқ репутацияни шакллантиришда иқтисодий ва бошқарув потенциалидан самарали фойдаланди.

«Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг 2018 йилга мўлжалланган “Бизнес-режаси”си Жамиятнинг лизинг хизматлари бозорида рақобатбардош ва потенциал имкониятларни юзага чиқариб, олдинги мавқеларда бўлишга интилишни мужассам этади.

1. Жамият фаолиятининг мақсади (резюме)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарорига асосан “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” компанияси, Германиянинг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва уруғчилик корхоналари “Зелко” уюшмаси ҳамда “Ўзсаноатмашимпекс” давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси томонидан “Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилди. Машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалик корхоналарига, деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг топшириқномалари бўйича сотиб олинадиган қишлоқ хўжалиги машиналарини ва бошқа механизация воситаларини лизингга бериш «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан қуйидаги функциялар:

- лизинг олувчиларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб

чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш юзасидан берилган буюртмаларини умумлаштириш;

- жамғарманинг кафолат хатлари билан тасдиқланган молиявий манбалар асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дистрибьюторлари томонидан етказиб бериш юзасидан буюртмаларни жойлаштириш;

- жойлаштирилган буюртмаларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида авансlар тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш;

- лизинг шартномалари тузиш, янги техникани, белгиланган тартибда талаб қилиб олинган илгари лизинг олувчиларга лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш;

- лизинг шартномалари бўйича тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини ва уларнинг тегишли қисми Жамғармага ўтказилишини таъминлаш;

- лизинг тўловлари тўғри ҳисоблаб ёзилишини ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар юзасидан ҳисоб-китоблар ва ҳисобот юритилишини таъминлаш юклатилган.

Шу билан бирга, “Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби” тасдиқланган.

«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти томонидан “Жамғарма” маблағлари ҳисобига фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига лизинг хизматлари кўрсатишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган.

2. Жамият ҳақида маълумотлар

Жамиятнинг:

тўлиқ номи - “O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati;

қисқартирилган номи - AJ “O‘zagrolizing”.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави 2016 йил 14 декабрда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Yagona darcha” маркази томонидан R-09-000205-реестр рақами билан рўйхатга олинган.

Гувоҳнома 2002 йил 20 мартда 09-000205-реестрдаги тартиб рақами билан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2002 йил 19 мартдаги 249-сон қарори билан берилган.

Ташкилий ҳуқуқий шакли:

Aksiyadorlik Jamiyati (ОПФ - 1150)

Мулкчилик шакли

Аралаш (ФС - 144)

Жойлашган ери (почта манзили СОАТО - 1726277):

100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси 4а уй
(Бино “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятига тегишли, Жамият бинодан ижара асосида фойдаланади);

Юридик шахс коди (ОКПО – 17489494, СООГУ – 13834)

Тармоқ коди

Лизинг (64910)

Банк реквизитлари:

х/р 20210000904021251001, МФО 00394,
“Агробанк” АТБ Тошкент шахар филиали

Давлат солиқ хизмати органи

Шайхонтоҳур тумани Давлат Солиқ инспекцияси, стир 203071206

Бош директор: Имамов Хасан Умарович
Телефон: 244 – 62 – 73, факс: 244 – 49 – 89

Бош бухгалтер: Атабаев Нурилла Нарзуллаевич
Телефон: 244 – 64 – 87
Электрон почта info@agroleasing.uz, веб-сайт www.agroleasing.uz

Жамият Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўз филиалларига эга, бундан ташқари жамият таъсисчилигида “Саркорнинг саховат нури” МЧЖ, “Лизинг ахборот технологиялари” МЧЖ, “Лизинг техника сервис” МЧЖ ва “ЎзМашлизинг” МЧЖ корхоналари мустақил шахс сифатида фаолият юритади.

Жамиятнинг устав фонди миқдори 105 681 835 545,0 сўмни ташкил этади. Жамият таъсисчилари юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, энг йирик акциядорлар қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

№	Таъсисчи номи	Улуш суммаси, млн.сўм	Жамият устав капиталидаги улуши, фоизда
1	“O`zagrotexsanoatxolding” aksiyadorlik jamiyati	92865,2	87,88
2	“Bluecourt Investments” LLP	2477,9	2,34
3	Акциядорлик тижорат “Турон банк”	1167,4	1,10
4	“Ansher Investments” LLP	924,7	0,87
5	“O'zagrosug'urta Davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi”	902,9	0,85
6	АТБ “Агробанк”	763,9	0,72
7	“ИПОТЕКА БАНК” АТИБ	684,7	0,65
	Бошқалар (жами 653 та жисмоний ва юридик шахс)	5886,6	5,59
	ЖАМИ	**105 681,8**	**100,0**

3. Жамият бошқарув структураси

Жамият бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органидан иборат.

Жамият юқори бошқарув органи Акциядорлар умумий йиғилиши ҳисобланиб, жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, фаолиятнинг асосий мақсадларини белгилайди ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади.

Кузатув кенгаши Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан берилган ваколат бўйича раҳбарликни амалга оширади.

Жамият кузатув кенгаши таркиби:

1. Отажонов Нодир Собирович	Кузатув кенгаши раиси
2. Рафиқов Абдуваққос Вохидович	Кузатув кенгаши аъзоси
3. Эргашев Абдимухтор Эргашевич	Кузатув кенгаши аъзоси
4. Шерматов Мансур Нигматович	Кузатув кенгаши аъзоси
5. Рашидов Абдухалил Абдурахимович	Кузатув кенгаши аъзоси
6. Махмудов Шерзод Кадирович	Кузатув кенгаши аъзоси
7. Ахмедгариев Радион Евгеньевич	Кузатув кенгаши аъзоси

Жамиятнинг жорий фаолиятига коллегиал ижро органи – 5 кишидан иборат жамият Бошқаруви раҳбарлик қилади.

Жамият Бошқаруви таркиби:

1. Имамов Хасан Умарович	Бош директор
2. Холдаралиев Дилшод Абдурахимович	Бош директор ўринбосари
3. Атабаев Нурилла Нарзуллаевич	Бош бухгалтер
4. Каримов Бурхон Мўминович	“Ўзмашлизинг” МЧЖ директори
5. Ходжиев Пахриддин Абдусолиқович	Юридик бўлим бошлиғи

Бугунги кунда Жамиятда меҳнат қилаётган жами ходимлар сони 316 кишини ташкил этиб, 230 нафари олий маълумотга эга. Шундан 104 нафар ходим олий иқтисодий маълумотга, 46 нафар ходим олий техник маълумотга, 34 нафар ходим олий юридик маълумотга, 2 нафар ходим “фан номзоди” илмий унвонига эга.

Жамият Бошқаруви раҳбарликни амалга ошириш, Жамият фаолияти билан боғлиқ барча жараёнларни бошқариш ва назорат қила олиш бўйича зарур даражадаги билим ва малакага эга.

Жамият тизимида бошқарувни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, шартнома-даъво ишларини олиб бориш, жамият мулки ҳисобланган лизинг объектларини техник мониторингдан ўтказиш, ижро интизомини ташкил этиш ва шу каби бошқа йўналишлар етарли даражадаги билим ва кўникмаларга, иш тажрибасига эга бўлган ходимлар билан таъминланган.

Иш фаолиятида компьютерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча ходимлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича лозим даражадаги билим ва кўникмаларга эга.

Жамият томонидан амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб бораётган бир вақтда ходимлар сонининг чегараланганлиги мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни, шу билан бирга ходимлар малакаси оширилишини талаб этади. Шу мақсадда 2018 йилда мавжуд кадрлар таркиби қайта кўриб чиқилади, вакант турган лавозимлар тўлдирилиб, меҳнат соҳасида соғлом ички рақобат вужудга келтирилади. Йил давомида ўтказиладиган қисқа муддатли курсларда ходимлар малакасини ошириш ишлари давом эттирилади, улар чет элда лизинг соҳаси бўйича ўтказиладиган халқаро конференция ва семинарларга юборилади. Касб-ҳунар коллежи ва Молия институти талабаларининг Жамият ижро этувчи аппарати ва ҳудудий филиалларда амалиёт ўташлари бўйича йўлга қўйилган ишлар давом эттирилади.

2018 йилда Жамият томонидан ҳудудий филиалларни жамият имижига мос келувчи биноларда фаолият кўрсатиши, моддий-техник базаси мустаҳкамланиши, ходимлар учун талаб даражасидаги иш шароитини яратиш чоралари кўрилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йил 9 июлда ўтказилган 134-сонли йиғилиш баённининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, 2018 йилда Жамият бош офиси учун қиймати 17000,0 млн.сўм бўлган бино қурилиши режалаштирилган.

4. Жамиятнинг ташкилий техник жиҳозланиши

Жамият ўз олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ ресурс базасининг техник, ташкилий, технологик имкониятларини кенгайтириш бўйича етарли моддий техник базага эга. Ходимлар замонавий компьютерлар билан таъминланган. Локал тармоқда ходимлар бўйича ички ва интернетда уланиш учун почталар мавжуд. Филиаллар билан ўзаро ички электрон ахборот айланиш тизими йўлга қўйилган. Ходимлар доимий янгиланиб бориладиган “Норма” ҳуқуқий тизимдан фойдаланадилар.

Жамият “Ўзтелеком” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этиладиган юқори сифатли телефон алоқасига эга. Бундан ташқари кўплаб нусха кўчирувчи, факс, принтер, модем ва бошқа оргтехника воситалари билан таъминланган.

5. Жамият фаолияти таҳлили

«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ўз маблағлари ва жалб этилган (қарз, кредит) маблағлар ҳисобидан машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалик корхоналарига, деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг топшириқномалари бўйича сотиб олинадиган қишлоқ хўжалиги машиналарини ва бошқа механизация воситаларини лизингга етказиб беради. Бунда етказиб бериладиган техника қийматининг 25%-40% гача

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан олдиндан аванс тўловлари тўланади, қолган 75%-60 % гача қисми Жамият томонидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори асосида етакчи хорижий Компаниялар иштирокида ишлаб чиқарилган тракторлар ва ўрим йиғим техникаси фермер хўжаликларига, машина-трактор паркларига ҳамда “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи филиалларига қуйидаги шартлар асосида лизингга етказиб берилади:

- замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 20 фоизи аванс сифатида лизинг олувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

- замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 80 фоизи «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат хариди учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади ва имтиёзли (Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган) фоиз ставкаларида, 7 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга етказиб берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 2969-сонли, 2017 йил 21 августдаги 3228-сонли қарорларига асосан Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг шартномалари асосида техникалар етказиб берилади.

Жамият томонидан 2001 йилда 22,8 млрд.сўмлик 7 турдаги 3314 дона техника лизингга етказиб берилган бўлса, 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига лизингга берилган техникаларнинг умумий қиймати 1901,9 млрд. сўмни, сони 65 508 донани, тури 62 тани ташкил этди ёки ўтган 17 йил мобайнида қиймат жиҳатидан 83,4 баробарга, миқдор жиҳатидан 19,7 баробарга ўсишни ташкил этди.

2001 йилда жамият томонидан 2108 нафар лизинг олувчи билан шартномавий муносабатлар ўрнатилган бўлса, 2017 йил якунига келиб, жамият фаолияти билан қамраб олинган лизинг олувчилар сони 51265 нафарга етди ва бу 2001 йилга нисбатан 24,3 баробарга кўпдир.

Жамият томонидан 2001-2017 йиллар мобайнида республикамиз қишлоқ хўжалигига лизингга етказиб берилган техникалар ва лизинг олувчилар сони 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Йиллар	Лизингга берилган техника турлари	Лизинг олувчилар сони	Лизингга берилган техникалар сони
2001	7	2108	3314
2002	11	3828	5607
2003	13	5189	7685

2004	14	7352	10933
2005	17	10376	14814
2006	18	13947	18805
2007	18	17700	22634
2008	20	20632	26095
2009	21	23375	29228
2010	23	25684	32664
2011	30	30930	37973
2012	47	33739	42831
2013	43	37085	48091
2014	47	39013	52154
2015	42	42921	56062
2016	61	46861	60002
2017	62	51265	65508

Жамият фаолиятининг охирги беш йиллик таҳлилига кўра, лизингга берилган техникалар ҳажми ва хўжалик фаолиятидан олинган фойдаси ўсиб борганлигини 3-жадвалда кўриш мумкин.

3-жадвал

	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Лизингга берилган техника қиймати (млн. сўм)	167 706,9	267 358,0	267 652,0	273 100,0	273 745,6	338 002,1
олдинги йилга нисбатан ўсиш (фоиз ҳисобида)	126,0	162,0	100,1	106,9	100,2	119,0
жамият даромадлари (млн. сўм)	19629,0	27673,0	34644,0	47925,1	58107,5	65100,0
олдинги йилга нисбатан ўсиш (фоиз ҳисобида)	125	141	125	138	121	112

6. Молиявий режалаштириш

2018 йилда жамиятни ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш ва иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил учун қуйидагилар энг муҳим устувор вазифалар этиб белгиланган:

- 2018 йил учун қишлоқ хўжалик техникаларини лизингга етказиб бериш бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

- 2018 йилда лизинг тўловларидан бўлган қарздорликни кескин қисқартириш, барча манбалар ҳисобидан тўловларни амалга оширишни доимий таъминлаш ва назорат этиб бориш;

- Республикада ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, ерларни ҳайдашда ишлатиладиган омочлар, маҳаллий ўғитларни сепадиган мосламалар, замонавий юқори унумли ҳайдов тракторлари ва чорвачилик ем-хашак ўриш техникаларини лизингга бериш ҳажмларини янада кўпайтириш, мева-сабзавот ва боғдорчилик соҳаси учун зарур бўлган мини тракторлар ҳамда чорва озуқасини қайта ишлаш ускуналарини лизингга беришни йўлга қўйиш;

- ҳайдов тракторлари ва ғалла ўриш комбайнларига қайта агрегатланадиган ва ҳар хил функционал жараёнларни бажариш имкониятига эга бўлган шлейф техникаларни лизингга беришни янада кўпайтириш;

- Жамият устав жамғармасини ошириш бўйича иш олиб бориш;

- кадрлар сифат таркибини яхшилаш, малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий давлатларда конференция ва семинарларга тизимли иштирокларини йўлга қўйиш;

- 2018 йил учун “Давлат дастури” ижросини амалга ошириш;

- Жамият ва ҳудудий филиалларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

2018 йилда республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумий қиймати 345,8 млрд. сўмлик 3995 дона техникани лизинг шартларида етказиб бериш режалаштирилди **(4-жадвал).**

№	Техникалар номи	Жами		чораклар бўйича сони, дона							
		сони, дона	қиймати, млн. сўм	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
				сони	киймати	сони	киймати	сони	киймати	сони	киймати
1	Қорақалпоғистон Республикаси	153	8883	32	1481	65	4537	43	2039	13	826
2	Андижон	274	12165	46	2052	154	5625	61	2865	13	1623
3	Бухоро	300	25248	44	4683	107	8526	88	7387	61	4652
4	Жиззах	444	82421	69	9338	182	43182	112	17804	81	12097
5	Қашқадарё	182	11948	31	1750	77	5451	43	3192	31	1555
6	Навоий	140	9613	29	1516	49	3379	34	2677	28	2042
7	Наманган	329	23393	78	3445	114	7118	110	7854	27	4976
8	Самарқанд	274	8400	38	1043	139	4065	73	2063	24	1229
9	Сурхондарё	398	21873	55	2929	161	8854	102	5998	80	4092
10	Сирдарё	344	43728	57	2581	77	3740	90	12720	120	24687
11	Тошкент	479	56438	67	6754	234	27162	110	13912	68	8609
12	Фарғона	500	26939	59	3749	259	11681	79	5313	103	6197
13	Хоразм	178	14750	21	4454	53	4179	43	5845	61	273
	ЖАМИ	**3995**	**345 800**	**626**	**45775**	**1671**	**137497**	**988**	**89669**	**710**	**72859**

Жамғарма маблағлари ҳисобидан, жамиятнинг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари ҳисобидан етказиб бериладиган техника сони ва суммасини юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин.

Жамият даромадини ошириш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг техникага бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида қўшимча манбалардан, банк кредитларидан фойдаланилади. Қуйидаги (5-жадвал) жадвалдан жамиятнинг 2012-2017 йилларда банклардан жалб қилинган

кредитларини кўриш мумкин. Кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берувчи заводларга йўналтирилиб, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга хизмат қилади ва буюртмаларга асосан лизингга техникаларни ўз вақтида етказиб беради. Бу ўз навбатида ҳукуматимиз томонидан Жамият олдига қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш бўйича берилган топшириқни бажарилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. **(5-жадвал)**

	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017й.	2018й. (прогноз)
Банклардан жалб қилинган кредитлар (млн.сўм)	**34 707,6**	**34 721,8**	**36 215,9**	**29 000,0**	**130 000,0**	**137 000,0**	**140 000,0**
қисқа муддатли	9 386,9	13 977,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0
узоқ муддатли	25 320,7	20 744,2	36 215,9	29 000,0	130 000,0	137 000,0	140 000,0
олдинги йилга нисбатан ўсиш (фоиз ҳисобида)	120,7	100,0	104,3	80,0	448,3	105,3	102,2

Жадвалдан кўриниб турибдики, йиллар давомида банк кредитини жалб қилиш ўсиб борган, бу ҳолат пировардида жамиятнинг айланма маблағлари тўлдирилишини ва даромад режасини бажарилишига олиб келган. Жамият томонидан йиллар давомида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, келгуси 2018 йилда ҳам қўшимча маблағларни жалб қилиш кўзда тутилади. Банкдан жалб қилинадиган кредит ресурслари юқори унумли ҳайдов ва ишлов бериш тракторлари, “Ягуар” чорвачиликка мўлжалланган ўрим-йиғим комбайни, мева-сабзавот ва боғдорчилик, узумчилик учун кичик механизация воситалари ва мини тракторлар, мавжуд техникаларга агрегатланадиган ҳар хил функционал жараёнларни бажариш имкониятига эга бўлган шлейф техникаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

2018 йилда Жамиятнинг айланма маблағларини шакллантириш, мавжуд дебитор қарздорликни ундириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади. Шунинг натижасида ғалла ва пахта имтиёзли кредитларидан 104,7 млрд. сўм, якуний транш маблағларидан 83,6 млрд. сўм, эркин манбалар ҳисобидан 114,8 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ундирилиб, лизинг тўловлари бўйича қарздорлик шу суммага камаяди (6-жадвал).

(6-жадвал)

№	**Вилоятлар номи**	**2018 йил лизинг**	**Шундан**

		тўлови манбалари	ғалла имтиёзли кредит	Пахта имтиёзли кредит	ғалла якуний	пахта якуний	эркин маблағ
А	1	2	3	4	5	6	7
1	Қорақалпоғистон Республикаси	22 145,7	469,9	7 411,9	315,0	5 362,4	8 586,5
2	Андижон	19 306,0	1 359,8	6 565,5	1 765,1	5 449,2	4 166,4
3	Бухоро	25 559,5	853,1	9 993,0	1 519,5	5 727,6	7 466,3
4	Жиззах	19 617,0	1 264,4	5 808,1	1 133,1	3 426,2	7 985,2
5	Қашқадарё	20 905,2	2 096,5	7 310,5	1 386,5	6 870,4	3 241,2
6	Навоий	11 959,2	497,0	3 321,4	825,8	2 361,8	4 953,2
7	Наманган	20 471,5	1 170,6	6 462,3	1 526,6	5 468,7	5 843,3
8	Самарқанд	23 262,3	1 653,4	6 817,4	1 578,2	6 724,9	6 488,5
9	Сурхондарё	36 317,3	1 364,2	9 791,8	1 561,6	6 149,5	17 450,1
10	Сирдарё	27 210,1	978,6	5 519,8	762,9	4 874,3	15 074,4
11	Тошкент	27 090,4	1 603,5	6 482,1	2 011,4	3 263,3	13 730,1
12	Фарғона	26 933,5	1 571,8	7 354,7	2 474,5	6 200,0	9 332,5
13	Хоразм	22 479,6	431,2	6 593,3	368,6	4 543,6	10 543,0
	Жами	**303 257,4**	**15 314,2**	**89 431,7**	**17 228,8**	**66 421,9**	**114 860,8**

7. Баланс даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари

Жамиятнинг 2018 йилги даромадлари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат хариди учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига 7-10 йил муддатга, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдордаги лизинг маржасини белгилаган ҳолда лизингга етказиб берилган техникалардан даромад;

- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ўз маблағлари ва жалб этилган (қарз, кредит) маблағлар ҳисобидан йиллик 22-24 % лизинг маржасини белгилаган ҳолда лизингга етказиб берилган техникалардан даромад;

- Жамият таъсисчилигидаги маъсулияти чекланган жамиятларидан олинган дивидендлар;

- суғурта мукофотлари ва бошқа даромадлардан шаклланади.

Жамиятнинг 2018 йилдаги режаси бўйича ялпи даромади 87683,9,0 млн. сўм, давр харажатлари 39 686,2 млн. сўм, молиявий фаолият учун тўланадиган харажатлари эса 37 262,9 млн. сўмни ташкил этади.

2018 йилда режадаги баланс фойдаси 11 734,6 млн. сўм, жамият ихтиёрида 10 734,6 млн. сўм соф фойда қолиши режалаштирилмоқда (7-жадвал).

(7-жадвал)

Даромад ва харажатлар	Жами, млн.сўм	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
Даромадлар					
2018 йил лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли қарори бўйича	6187,3	520,3	1 486,3	1 634,8	2 545,8
2018 йил лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 486-сонли қарори бўйича	18643,3	2006,4	5 944,6	3 864,0	6 828,2
2008-2017 йиллар лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли қарори бўйича	21 720,7	4400,1	6 932,7	4 058,5	6 329,2
2010-2017 йиллар лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 486-сонли қарори бўйича	28648,8	8172,3	7 653,0	6 679,0	6 144,3
Бошқа даромадлар	12483,8	1836,1	869,2	5 432,4	4 345,9
Жами даромадлар	**87 683,9**	**16 935,4**	**22 885,9**	**21 668,9**	**26 193,6**
Харажатлар					
Молиявий фаолият учун	**37262,9**	**6869,5**	**8787,6**	**9900,4**	**11705,4**
шу жумладан банк кредитлари бўйича фоиз тўлови	20 803,2	3835,1	4 906,0	5 527,1	6 534,9
Давр харажатлари	**39686,2**	**9871,9**	**9801,9**	**10026,9**	**9985,4**
Сотиш харажатлари	35,0	8,0	8,0	10,0	9,0
Маъмурий харажатлар	33117,4	8242,4	8 177,4	8 366,4	8 330,9
Бошқа операцион харажатлар	6533,6	1621,4	1 616,40	1 650,4	1 645,4
Жами харажатлар	**76949,1**	**16741,4**	**18589,6**	**19927,2**	**21690,8**
Молиявий фаолиятдан даромад (дивиденд)	10 734,7	193,9	4 296,3	1 741,7	4 502,8
Баланс фойдаси	**10 734,7**	**194,0**	**4 296,3**	**1 741,7**	**4 502,8**
Солиқ ва йиғимлар					
Соф фойда	**10 734,7**	**194,0**	**4 296,3**	**1 741,7**	**4 502,8**
Заҳира фондига ажратма (5%)	536,7				
Тақсимланмаган фойда	**10 197,6**				
Рентабеллик даражаси	13,9%				

8. «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг 2018 йил учун эмиссия ва дивиденд сиёсати

Жамият томонидан 2000-2014 йиллар мобайнида жами 11 та эмиссия чиқарилиб, устав фондининг миқдори 1,0 млрд. сўмдан 50,0 млрд.сўмга, акциялар сони эса 1 млн. донадан 22 727 273 донага етказилган. 2015 йилда акция номинал қийматини 2285,0 сўмдан 2535,0 сўмга оширилиши ҳисобига устав фонди 105 681,8 млн. сўмга етказилган. Жамият 2018 йилда ўз тасарруфида қоладиган соф фойдадан акциядорлар умумий йиғилиши қарорида белгиланган фоизлар даражасида дивидендлар тўловига ва жамиятнинг айланма маблағларини тўлдириш, лизинг олувчиларга янги техника сотиб

олишга йўналтиришни режалаштирган. Бундан ташқари, жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдани капитализация қилиш ва устав фондини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йил 9 июлда ўтказилган 134-сонли йиғилиш баённининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, филиалларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, уларга намунавий лойиҳада офис биноси қурилишига йўналтириш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони ва 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти устав фондидаги давлат улуши “Ўзагротехсаноатхол-динг” акциядорлик жамиятига ўтказилган.

15-илова

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти бошқарув фаолиятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида" қарори 2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш органлари томонидан Жамиятнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилишини таъминлашлари белгиланган.

Жамият фаолиятининг тармоқ бўйича мансублигидан, ривожланиш стратегиясидан ва фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Бошқарув фаолиятини самарадорлигини баҳолаш бўйича қуйидаги 6 та кўрсаткичдан фойдаланишга қарор қилинди:

Активлар рентабеллиги, улуши -1,0 %;
Абсолют ликвидлик коэффициенти, улуши - 3,0 %;
Молиявий мустақиллик коэффициенти, улуши - 40,0 %;
Кредитор қарзлари айланиши кунларда, улуши - 5,0 %;
Дебитор қарзлари айланиши кунларда, улуши - 5,0 %;
Қоплаш коэффициенти, улуши 46,0 %.